

ТУРАР ЖОЙЛАРДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒРИЛИКНИНГ ТЕЗКОР ТАКТИК ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ ҲАҚИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

Нарзиллов Фарход Насриллович

Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув хизмати Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14835723>

Аннотация. Мақолада турар жойлардан содир этиладиган ўғрилиқнинг тезкор тактик ва тезкор-қидирув тавсифининг мазмуни, фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, ушбу икки тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тактика, тавсиф, ўғрилиқ, турар жой, жиноятни олдини олиш, жиноятни фoш этиш.

HERE ARE SOME IDEAS ABOUT THE QUICK TACTICAL AND QUICK-SEARCH DESCRIPTION OF BURGLARY FROM RESIDENTIAL AREAS

Narzilloev Farkhod Nasrilloevich

Head of the Department of the Department of the Department of combating organized crime of the Criminal Investigation Service of the Ministry of Internal Affairs, Lieutenant Colonel.

Annotation. The article analyzes the content, different aspects of a quick tactical and quick-search description of burglary from residential premises and develops an author's definition of these two concepts.

Keywords: tactics, description, theft, accommodation, crime prevention, crime exposure.

Турар жойлардан содир этиладиган ўғрилиқнинг тезкор-қидирув тавсифи ҳақида фикр юритишда аввало, тезкор-қидирув ҳуқуқи фанининг назарияси ва амалиётида қўлланиладиган “тезкор”, “қидирув”, “тактика” каби сўзларни луғавий маъносини, “тезкор-тактик тавсиф” ва “тезкор-қидирув тавсиф” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини билиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *тезкор* [форсча тез, жадал ишловчи] Тез ишлайдиган, ишни тез, чаққон бажарадиган; тезлик билан ҳаракат қилувчи, тезлик билан натижага эришишни таъминловчи¹; *қидирув* қидирмоқ фл. ҳар. н. Йўқолган нарсани қидириш. Топиш учун урунмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ, ахтармоқ, изламоқ²; *тактика* [юнонча қўшин тузиш, сафлаш маҳорати] Ҳарбий санъатнинг жангга тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш назарияси амалиётини ўз ичига олган таркибий қисми; кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитига мос йўл ва воситалари шакл ва усуллари³; каби маъноларни англатади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Т – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.52.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. К – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.273-274.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Т – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.646.

Маълумки, “тактика” атамаси XVIII асрда фанга киритилган бўлиб, асосан ҳарбий фанларда қўлланилган, “ҳарбий санъатнинг ажралмас қисми – жангга тайёрлаш ва ўтказиш амалиёти ва назарияси” ёки “жанговар тайёргарлик ва ҳарбий амалиётларни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий режаси, шунингдек, мақсадга эришиш учун воситалар ва усуллар йиғиндиси” деган маънони англатиб, “қидирув” сўзи эса давлат органини ашёлар, предметлар, ҳайвонлар, мурдалар ва шахсни, бедарак йўқолганларни, тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириб топишга қаратилган махсус фаолияти маъноси қўлланилади⁴.

Тезкор-қидирув ҳуқуқи фани назариясида ҳар бир жиноятнинг “тезкор-тактик тавсиф” ёки “тезкор-қидирув тавсиф” каби тушунчалари ҳақида баҳс-мунозаралар мавжуд.

Жиноятнинг тезкор-тактик тавсифи тушунчаси ҳақида Ю.М.Худяков, В.В.Гордиенко, В.В.Лукашов, В.Г.Самойлов, В.А.Лукашов, С.А.Смирнов, Ю.С.Пулатовлар илмий изланишлари доирасида турли фикрлар билдиришган. Жумладан, Ю.М.Худяков томонидан берилган таърифга кўра: “жиноятнинг тезкор-тактик тавсифи бу турли жиноятни содир этганнинг шахсига, жиноятни содир этиш элементлари йиғиндисига оид, шунингдек тартибга солинган ва ўзаро бир-бири билан боғланган хоссалардир, уларни ўрганиш ва шу асосда билимга эга бўлиш натижасида ИИОларининг тезкор-бўлинмалари олдида турган жиноятларнинг олдини олиш ва фош этишдаги вазифаларнинг тезкор-қидирув фаолиятининг махсус восита ва усуллардан фойдаланиш орқали муваффақиятли равишда ўз ечимини топишга ёрдам беради”⁵; В.В.Гордиенко фикрича “жиноятнинг тезкор-тактик тавсифи бу жиной-хуқуқий, криминологик, криминалистик, психологик, виктимологик хусусиятларга эга бўлиб жиноятларни олдини олиш ва фош этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини таъминлашда тезкор-қидирув тадбирини (ташкилий ва тактик) амалга ошириш ва самарали режалаштиришда муҳим ўрин эгаллайди” деб таъкидлайди⁶.

В.В.Лукашов, В.Г.Самойлов, В.А.Лукашов, С.А.Смирновлар фикрлари жуда яқин бўлиб ушбу тушунчани қуйидагича изоҳлайди: “жиноятни тезкор-тактик тавсифи бу бир қатор тартибга солинган ва ўзаро бир-бири билан боғланган, ҳар хил манбадан олинган ахборотга оид криминалистик, руҳий, иқтисодий ва ўзга табиатга эга аломатлардир”⁷ дея таъриф беришади.

⁴ <https://ozhegov.textologia.ru>.(мурожаат вақти: 25.01.2025).

⁵ Худяков Ю.М. Организация и тактика раскрытия краж, грабежей и разбойных нападений, совершаемых с целью хищения денежных средств из объектов народного хозяйства: Автореф. дис....канд. юрид.наук. –М., 1981.– С.10.; Худяков Ю.М. Значение и содержание оперативно-тактической характеристики для раскрытия преступлений отдельных видов // Проблемы совершенствования деятельности аппаратов милиции и криминалистических подразделений. Вып. 2. –М., 1979. –С. 46.

⁶ Гордиенко В.В. Правовые, организационные и тактические основы раскрытия разбоев и грабежей личного имущества, совершенных преступными группами: Автореф. дис....канд. юрид. наук. – М.,1983. – С.14.

⁷ Лукашов В.В. Правовые и организационно-тактические проблемы советского уголовного розыска: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Изд-во ВШ МВД СССР, 1972. – 29 с.; Самойлов В.Г. Оперативно-розыскная тактика органов внутренних дел: с.б.науч. тр. – М., 1984.–С.75.; Лукашов В.А. Правовые и оперативно-тактические вопросы совершенствования деятельности аппаратов уголовного розыска // Оперативно-розыскная работа: Бюллетень ВНИИ МВД СССР.–М.,1985.– С. 69.; Лукашов В.А., Смирнов С.А. К вопросу об исходных положениях теории оперативно-розыскной тактики // Оперативно-розыскная тактика органов внутренних дел: сб. науч. Тр. – М., 1988. – С. 202–203.

Ю.С.Пулатов фикрича: “жиноятнинг тезкор-тактик тавсифи бу тезкор-қидирув фаолияти нуқтаи назаридан тезкор-қизиқиш уйғотадиган ахборотга нисбатан аҳамиятлироқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, ўз ичига жиноий-ҳуқуқий, криминалистик, криминологик ва бошқа фанларнинг унсурларини қамраб олиб, уларнинг ўзаро қонуният боғланишларини ва тезкор-қидирув бўлинмалар томонидан жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш билан боғлиқ тезкор-тактик вазифаларни бажариш даврида уларни самарали ижро этилишини таъминлайдиган манбадир”⁸ деб таъкидлаган.

Жиноятни тезкор-қидирув тавсифи тушунчаси ҳақида О.П.Степанов, С.Н.Иванов, А.А.Хамдамов, А.В.Тян, Ф.Б.Бобомуродов кабилар тадқиқот иши доирасида ўз нуқтаи назарларини, фикрларини билдиришган. Жумладан, О.П.Степанов фикрича: “жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифи кенг қамровли тушунча экани, унинг таркибий қисми тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун муҳим таянчдир”⁹ деб ҳисоблайди.

С.Н.Иванов фикрича “жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифи жиноий гуруҳларнинг бир қисми бўлган жиноятчиларнинг кимлиги (жинси, ёши, миллати); жиноятнинг ривожланиш босқичлари (ахборот излаш (разведка), жиноий режани амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш, жиноят режасини амалга ошириш, жиноятчилик фаолиятини такрорлаш ҳамда кенгайтириш), гуруҳий жиноятлар фаолиятининг механизмини аниқлаш”¹⁰ деб таъкидлаган.

Ушбу олимларнинг фикрини ўрганиш асосида *биринчидан*, жиноятнинг тезкор тактик тавсифи муайян бир жиноятни фош этиш, қидирувда юрган шахсни ушлаш бўйича қандай усул ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишни белгилаб бериши; *иккинчидан*, ушбу тушунча жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифининг таркибий элементини ташкил этиши; *учинчидан*, жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифи кенгроқ маънода жиноятга қарши курашишга доир чора-тадбир (профилактик ва тезкор-қидирув тадбир)ларни амалга оширилишини белгилаб бериши; *тўртинчидан*, мазкур тушунчалар ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиёти қўлланилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб “Турар жойлардан содир этилган ўғирликнинг тезкор-тактик тавсифи” ва “Турар жойлардан содир этилган ўғирликнинг тезкор-қидирув тавсифи” каби тушунчалар юзасидан нуқтаи назаримизни белгилаб олишимиз даркор.

Турар жойлардан содир этиладиган ўғирликнинг тезкор-тактик тавсифи деганда мазкур жиноятни самарали фош этишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш учун асос бўлувчи дастлабки тезкор маълумотга айтилади.

⁸ Пулатов Ю.С. Правовые и оперативно-розыскные проблемы борьбы органов внутренних дел с незаконным оборотом наркотических средств: Дис....д-ра юрид.наук. – Т.,1996.–С.16-17.; Пулатов Ю.С. Правовые и оперативно-розыскные проблемы борьбы органов внутренних дел с незаконным оборотом наркотических средств: Автореф. дис....д-ра юрид.наук. – Т.,1996. – 45 с.

⁹ Степанов О.П. Совершенствование оперативно-розыскных мероприятий раскрытия имущественных преступлений, совершенных группой несовершеннолетних. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1991. – С.18.

¹⁰ Иванов С.Н. Оперативно-розыскное обеспечение раскрытия и расследования групповых преступлений: Дис... д-ра юрид. наук. – М., 2001.–С.16-17.

Турар жойлардан содир этиладиган ўғирликнинг тезкор-қидирув тавсифи деганда мазкур жиноятга самарали қарши кураш, унинг ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шунингдек комплекс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга асос бўладиган маълумотлар йиғиндиси тушунилади.

